



Ислом Нури

Бисмиллахи рохмани рохийи

Аллох Тоъолога хамду-санолар, хазрати Мухаммад ва ахли байтлари, саҳобалари ва тобиинларга - хаммаларига - дуруду-салавотлар бўлсин!

Абдурраззок ал-Бадр айтади:

Аллох Таолонинг изни билан, ушбу мусохабамизда мусулмон киши қарздор бўлиб қолса, қайси дуони ўқишлиги ва у дуонинг моҳияти ҳақида сўз юритамиз.

Имом Термизий раҳимахуллох ўз сунанларида Алий ибн Абий Толиб разяллоху анхудан ривоят қиладилар:

«Алий разияллаху анху айтадилар: “У кишининг ҳузурларига бир мукотаб (муъайян бир маблаг тўлаш асосида, ўзини озод қилиш учун хоҳаси билан битим тузган) қул келиб айтди: “Мен зиммамга белгиланган маблагни адо этишдан ожиз бўлиб қолдим, менга ёрдам берсангиз?” Алий дедилар: “Сенга, Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам менга таълим берган сўзлар(дуо)ни таълим берайинми? — агар устингда “сабийр” (Макка ташқарисидаги бир тоғнинг номи) тоғи мисолича қарз бўлса ҳам, Аллох таоло уни сенинг зиммангдан адо этади — Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам (таълим бериб) айтганларки: “Айтгин: «Аллохуммақфини би халалика ан харомик ва агнини бифазлика амман сивак» Эй, Аллохим халолнинг(халол йўл билан топилган мол-дунё) билан харомнинг(харом йўл билан топилган мол-дунё)дан мени Ўзинг қифоялантиргин ва Ўз фазлинг билан мени Ўзингдан бошқалардан беҳожат қилгин!”». (Сунан ат-Термизий: 3563)

Бу дуо, мусулмон киши қарздор бўлиб қолиб, тўлашдан ожиз бўлган



Ислом Нури

пайтда ўқишлиги – қилишлиги зарур бўлган буюк дуодир. Қарздор киши ихлос билан ушбу дуони ўқиса, қарзи ҳар қанча кўп – ҳадисда айтилгандек тоғ мислида – бўлса ҳам, Аллоҳ таоло Ўзи у кишидан қарзни адо этиб қўяди (яъни, қазрини адо этишликда Ўзи мадақдор бўлади). Чунки, ишларни енгил қилиб қўйиш Аллоҳ таолонинг қўлидадир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ҳазинаси шу даражада беҳисобки, инфок-сарфлаш билан у қамайиб қолмайди. У Зотга илтижо этган кишига Ўзи қифоя қилади. Қимқи, Ундан ёрдам сўраса, албатта ёрдам бериб, уни (барча ишларида) тўғри йўлга йўллаб қўяди.

Мана бу мукотаб қул, хожасидан ўзини озод қилиб олиш учун устига юкланган муайян маблағни адо этишга қудрати етмаслигидан – ожизлигидан шикоятланиб ҳазрати Алий ҳузурларига келганида, у зот разияллоҳу анҳу уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитганлари – ушбу улуг дуога йўллаб, унга ушбу дуонинг фойдаси бекиёс эканлигини, бу дуо билан, дуо қилгувчига улкан натижалар бор эканлигини ҳамда Аллоҳ таоло у кишининг қарзи ҳар қанча кўп бўлса ҳам, Ўзи адо этишини тушунтириб: “Сенга, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга таълим беган сўзлар(дуо)ни таълим берайинми? — агар устингда “Сабийр” тоғи мисолича қарз бўлса ҳам, Аллоҳ таоло уни сенинг зиммангдан адо этади” дедилар.

Ушбу дуода, банда ўз зиммасига олган қарзидан ва қалбини машғул қилиб хиралаштирган гаму-ташвишлардан қутилишлиги учун улкан тарғибу-ташвиқ ва ҳар доим ушбу дуони ўқишлигига қизиқтириш бордир.

«Эй, Аллоҳим хололинг билан хоромингдан мени Ўзинг қифоялантиргин» деган сўзлари – лугатда: “Уни бир нарса билан қифоялантирди” дейилади. Яъни, ана шу нарса билан уни ўзгасидан



Ислом Нури

бехожат килиб кўйди. Демак, ушбу дуода, банда Аллох Таолодан уни халол билан кифоялантириб, ана шу халол билан харомдан бехожат килиб кўйишини сўраётган бўлади.

«Ўз фазлинг билан мени Ўзингдан бошқалардан бехожат килгин» деган сўзлари: Яъни, Ўз фазлингни – менга ато этаётган неъматларинг ва ризку-рўзингни, менинг учун Ўзингдан бошқалардан бехожат этгувчи омил этиб кўйгинки, натижада Сендан ўзгага мухтож бўлмайин ва Сендан бошқа бирор кимсага илтижо этмайин.

Ушбу дуода, банда ишларини Аллохга топширган, Унинг ёлғиз Ўзига таяниб, Ўзидангина ёрдам сўраган ва барча ишларда Унинг Ўзигагина таваккал килган бўлмоғи зарурлиги баён қилинади. Шунда банда Аллох Таолонинг қафолатига савор бўлади. Бандага Аллох Таолонинг қафолатида бўлмоғи ўзи кифоядир!

Бирок, дуо билан биргаликда, қарзни адо этишга сабаб бўладиган жиддий ҳаракат, содик (чинакам) азми қарор ва тўлашга имкон тугилиши биланок, кечиктирмай, тўлашга шошилиш зарурдир. Қарзни белгиланган вақтда бермай чўзиб юришдан сакланмок керак, зеро бундай одам Аллох Таолонинг ёрдамига лойик эмасдир. Аммо қалби доимо қарзнинг гам-ташвиши билан банд, уни ўз вақтида эдо этишга қатъий азм-қарор килган бандага албатта Аллох Таоло Ўзи ёрдам бериб, қарзини ундан адо этиб қўяди.

Имом Бухорий раҳимахуллохнинг Абу Хурайра разияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисларида Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам айтадилар:

«Қимки, одамларнинг молларини – тўлаш ниятида – (қарзга) олса,



Ислом Нури

ундан Аллох Таоло Ўзи адо этиб кўяди. (яъни, адо этишлигида Аллох Ўзи мададкор бўлади). Кимки, зое килиб юбориш мақсадида олса, Аллох Таоло унинг ўзини зое қилади» (Сахихул Бухорий: 2387)

Имом Аҳмад Оиша онамиз розияллоху анҳодан ривоят қиладилар: «Оиша розияллоху анҳо айтадилар: “Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам айтдилар: “Қарзини адо этишликда (содик – ҳақиқий) ниятга эга бўлган (хар қайси) бандага албатта Аллох Таоло томонидан ёрдам бўлади”». (Имом Аҳмад муснавлари: 6/ 72)

Маймуна розияллоху анҳодан Имом Насоий раҳимахуллох ривоят қиладилар: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам айтдилар: “Қайси бир киши қарздор бўлса ва Аллох Таоло ўша кишида қарзини тўлашликка қатъий мақсади бор эканлигини билса, албатта Аллох Таоло Ўзи унинг қарзини мана шу дунёда адо этиб кўяди” (яъни, охирага қолдирмайди). (Сунан ан-Насоий: 7/ 315)

Агар банда азмида содик ва нияти яхши бўлса, барча ишлари унга муяссар-енгил этилади ва Аллох Таоло, у қутмаган-ўйламаган томонидан энгиллик-кенглик ато этади. Аллох Таоло, Унга сидқи дилдан таваққал қилган бандага ёрдам беришликка ва ишларини бароридан қелтириб, қарзларини адо этиб қўйишликка ёлғиз Ўзи қайилдир.

Имом Бухорийнинг саҳихларида Абу Хурайра розияллоху анҳудан бир ривоят бор, унда Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам баний Исройил қавмидан икки киши ўртасида бўлиб ўтган ажойиб воқеани хикоя қилиб бердилар:

«Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам зикр қиладилар: “Баний



Ислом Нури

Исроил кавмидан бир киши, ўзларининг баъзи кишиларидан 1000 динор қарз сўради.

У(қарз берувчи) деди: “Менга гувоҳлар олиб келгин, уларни гувоҳ қилиб кўяйин”.

(Қарз сўровчи) деди: “Аллоҳ Таоло Ўзи гувоҳликка қифоядир”.

— “ундай бўлса, менга қифил келтир”.

— “Аллоҳ Таоло қифилликка Ўзи қифоядир”.

(берувчи): “Тўғри айтасан”— деди ва бир муддатни тайин қилиб, унга 1000 динорни қарзга берди. Халиги киши маблағни олиб денгиз орқали сафарга чиқди ва хожатларини бажарди (яъни, тижорат, олди-сотти қилди). Тайинланган муддатга етиб келаман деб, ҳаракат қилиб, қайтиб кетишга бир маркаб (кема) топа олмагач, бир ёғочни олиб, ўртасини ковак қилиб, унга 1000 динор ва дўсти учун бир мактубни жойлаштириб кейин ковакни яхшилаб беркитдида, уни олиб, денгиз бўйига келиб деди: “Эй, Аллоҳим Сен Ўзинг биласанки, мен фалон кишидан 1000 динор қарз сўраганимда, у мендан қифил бўладиган кишини талаб қилди, мен эса, Аллоҳ Таоло Ўзи қифилдир дедим, у Сенинг қифиллигингга рози бўлди. Мендан гувоҳ хозирлашимни сўради, мен эса, Аллоҳ Ўзи гувоҳликка қифоядир дедим, у Сенинг гувоҳлигингга рози бўлди. Мен эса, унинг ҳаққини (ўз вақтида) етказиб бериш учун, кўп ҳаракат қилдим, бирон маркаб топа олмадим, энди мен ушбунни Ўзингга омонат топширдим”. Ёғочни денгизга улоқтирди, у қалқиб-қалқиб денгизга кириб кетди. Сўнгра қайтиб келиб ўз шаҳрига кетиш учун маркаб (кема) излай бошлади. Унга қарз берган киши эса, бирор (сафардан қайтган) кема унинг молини олиб



Ислом Нури

келган бўлса деган умидда бир карайин деб, денгиз бўйига чикди. Моли жойлаштирилган ёгочни (ўзи билмаган холда) тасодифан кўриб колди ва ўтин килиш учун уни уйига олиб келди. Ёгочни аралаб майдалаган эди, ичидан мол (маблаг) ва мактубни топди. Бир оз муддатдан кейин, карз олган киши сафардан кайтиб келиб, 1000 динорни олиб келди ва деди: “Молингни сенга (ўз вақтида) келтириб бериш учун кўп ҳаракат килдим, бироқ мана шу ҳозир етиб келган маркаб(кема)дан аввал келадиганини топа олмадим”. (Карз берувчи) деди: “Менга бирор нарса жўнатган эдингми?”. (Карз олгувчи) деди: “Сенга айтаяпманку, мана шу ҳозир келган кемадан аввал, бошқасини топа олмадим”. (Карз бергувчи) деди: “Ёгоч ичида жўнатганларингни Аллоҳ Таоло (зое килмай етказиб келиб) сенинг томонингдан адо этди, сен (хотиринг жам) хушнудлик билан 1000 динорни олиб кетавер”». (Сахиул Бухорий: 2291)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бизлар панд-насихат олиб, ибратланишимиз ва банда Аллоҳга чиройли илтижо килиб, Унга сидки дилдан суянса, Аллоҳ Таоло у бандага комил кудрати, тамомий ёрдами билан Ўзи кифоя килишлигини билишлигимиз учун, баний Исроил қавмида бўлиб ўтган бу ажойиб қиссани хикоя килиб бердилар. Бу ўринда Аллоҳ Таолонинг комил тавфиқини (муваффақият ато этишини) ўйлаб кўринг-а! Ушбу мол-дунёга тўлдирилган ёгоч факатгина ўз эгасининг кўлига етиб келди. Аллоҳ Таоло ҳар бир нарсага Кодир, ҳамма нарсани билиб тургувчи, Буюк Зотдир!

Мусулмон одам карз тўгрисида бепарво бўлиб, уни арзимас фахмлаб ва уни ўз вақтида адо этишдан сусткашлик килмаслиги керак, зеро, бу иш хатарлик эканлигини ифодаловчи ва мўъмин кишининг жони карзига богланиб кўйилишига, агар карздор холида вафот килса, карзини адо этилмагунча, карзи олдида махбус этилиб туришига



Ислом Нури

далолат килувчи хадислар жуда кўп ворид бўлган.

Имом Ахмад раҳимахуллох Саъд ал-Атвал разияллоху анхудан ривоят киладилар: “Саъд айтадилар: “Акам вафот этганда, ундан 300 динор (мерос) колди ва бу 300 динорга меросхўр бўлиб сагир(майда) боласи хам колди, мен ана шу динорларни боласига сарфламокчи бўлганимда, Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: “Аканг - аникки - карзи(олди)да махбус бўлиб турибди, бориб (аввал) унинг карзини адо эт” — дедилар. Саъд айтадилар: “Бориб ундан карзларини адо этдим ва (Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга) бир аёлдан бошка ҳеч ким колмади, у аёл 2 динорни даъво килмокда бироқ, хужжати (далили) йўқ” — дедим. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: “Унга (талаб килаётганини) бер чунки, у (аёл) ростгўй” — дедилар. (Имом Ахмад муснадлари: 4/ 136)

Яна Имом Ахмад Абу Хурайрадан ривоят киладилар: “Абу Хурайра дедилар: “Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам айтадилар: “Мўъминнинг жони устидаги карзига муаллак килиб кўйилгандир” (яъни, карзига боглаб кўйилганки, уни адо этмагунча кутила олмайди). (Имом Ахмад муснадлари: 2/ 440)

Шу сабабли, мусулмон кишининг зиммасида карзи бўлса, тўсатдан келиб колиши мумкин бўлган ўлим келишидан аввал, зиммасидаги карзини тўлашга шошилмоклиги зарурдир, акс холда, карзи олдида махбус бўлиб, карзига гаровланиб қолади (яъни, карзи ўталмагунча кабрида хотиржам бўла олмайди).

Карз балосига мубтало бўлмаган мўъмин, Аллох Таоло унга офият ато этганлиги учун хамду-санолар айтсин, агар зарур бўлмаса, харгиз карз олмасин, шунда нафси карзнинг ташвишларидан, унинг ёмон



Ислом Нури

окибатларидан роҳатда ва ўзи шодлиғу-омонликда бўлади.

Имом Аҳмаднинг муснадларида Укба ибн Омир розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам айтадилар: “Нафсларингизни оромидан кейин хатарга солманглар! Саҳобалар: “Нима у (хатар) эй, Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам” — дедилар. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам айтдилар: “(У) қарздор”. (яъни, қарз олишга шошилманглар, натижада нафсларингизни унинг ортидан келадиган хатарлик окибатга тушириб қўясизлар). (Имом Аҳмад муснадлари: 4/ 146)

Ўзимизга ҳам, сизларга ҳам, Аллох Таолодан офият ва саломатлик ва барча яхшилиқларга хидоят этишини сўраб қоламиз.

Ассаламу алайкум ва роҳматуллохи ва барокатух!

Абдурраззок ибн Абдулмуҳсин ал-Бадрнинг “Фикхул-адъияти вал-азкор” китобидан олиб, эркин услубда таржима қилинди.

Таржимон: Аллох йўлидаги дўстингиз Абу Муҳаммад